

Тошкент ислом институтига илк бор магистратурага қабул эълон қилинади



15:33 / 12 август 379

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва илмий тадқиқот бўлими 2024-2025 ўқув йилидан Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтининг магистратура йўналишига қабул жараёни бошланишини маълум қилди. Унга кўра мазкур йўналишга ўқишга кириш учун талабгорлар қуйидаги фанлар бўйича имтиҳон топширади:

Теология (*Ислом илоҳиёти, фалсафаси ва Мотуридийлик таълимоти*):
Ақоид, Ислом фалсафаси (ижодий имтиҳон) – 100 балл;
Чет тили (араб ёки инглиз тилидан тест синови) – 25 x 2 – 50 балл.

Теология (Ҳадис илмлари):
Ҳадис, Мусталаҳул-ҳадис (ижодий имтиҳон) – 100 балл
Чет тили (араб ёки инглиз тилидан тест синови) – 25 x 2 – 50 балл

Тошкент ислом институти магистратура мутахассислигига абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш 14 августдан 20 августга (шу куни ҳам соат 18:00 гача) қадар давом этади.

Магистратурага ўқишга кириш истагида бўлган абитуриентлар Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим муассасаси ректори номига ариза;

паспорт ёки ID карта нусхаси (*асли кўрсатилади*);
олий диний таълим муассасасини тамомлагани тўғрисидаги ҳужжат
(*диплом*) ва унинг иловаси асл нусхада;
3,5 x 4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат (*сўнгги уч ойда олинган ва
орқа фони оқ рангда бўлиши талаб этилади*).

Араб тили ёки инглиз тили бўйича халқаро тан олинган чет тилини билиш
даражаси ҳақидаги сертификат (*TOEFL бўйича камида 72 ёки IELTS бўйича
камида 5,5 балл, TestDaF (TDN3) ёки C1 даражасидаги миллий
сертификатга эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларсиз
белгиланган максимал балл берилади*).

Маълумот ўрнида: Таълим муассасасига ҳужжат топшириш учун
абитуриентлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари
миқдорида тўлов ундирилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати